

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

117 Халқаро шартномалар лойиҳаларини тайёрлаш ва
Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалар
бўйича мажбуриятларини бажариш тартибига ўзгартиришлар
кiritиш тўғрисида

Халқаро шартномалар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалар бўйича мажбуриятларини бажаришни тартибга солиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й.

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 12 декабрдаги 473-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 12-сон, 76-модда) билан тасдиқланган Халқаро шартномалар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалар бўйича мажбуриятларини бажариш тартибига иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири А.Х. Комилов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2015 йил 11 март,
56-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2015 йил 11 мартдаги 56-сон қарорига
ИЛОВА

**Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 12 декабрдаги
473-сон қарори билан тасдиқланган Халқаро шартномалар
лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикасининг
халқаро шартномалар бўйича мажбуриятларини бажариш
тартибига киритилаётган ўзгартиришлар**

1. «Масъул вазирлик, идора» устунининг иккинчи, йигирманчи ва йигирма биринчи хатбошиларидаги «Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмита» сўзлари чиқариб ташлансин.

2. «Масъул вазирлик, идора» устунининг олтинчи хатбошидаги «Давлат мулки қўмитаси» сўзлари «Давлат рақобат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин.